

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
“УМУРТҚАЛИЛАР ЗООЛОГИЯСИ” ФАНИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

Норқузиева Мадина Шароф қизи

Жиззах давлат педагогика университети

E-mail: norquziyeva12345@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида “Умуртқалилар зоологияси” фанини ривожлантиришда замонавий тенденсиялардан фойдаланиш ва уларни дарсга тадбиқ қилишининг устувор йўналишлари кўзда тутилган. Шунингдек мамлакатимиз олий таълим муассасаларида таълим – тарбия жараёнига янгиликларни жорий етишда педагогларнинг тутган ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: зоология, педагогика, таълим, тамоил, мултимедия.

**DEVELOPMENT TENDENCIES OF THE SCIENCE OF
“VERTEBRATE ZOOLOGY” IN PEDAGOGICAL INSTITUTIONS
OF HIGHER EDUCATION**

ABSTRACT

In this article, the use of modern trends in the development of the science of “Vertebrate Zoology” in higher educational institutions and the priority directions of their application to the lesson are provided. Also, information about the role of pedagogues in the introduction of innovations to the educational process in the higher educational institutions of our country is given.

Key words: zoology, pedagogy, education, principle, multimedia.

Хозирги вақтда илмий адабиётларда бўлажак ўқитувчилар учун таркиб қандай хусусиятларга эга бўлиши кераклиги ҳақида қатор саволлар қўйилмоқда. Шубҳасиз, бу бўлажак тадқиқотчи, муҳандис, шифокор ёки бошқа мутахассисларни ўқитишидан фарқ қилиши керак. Масалан, биолог тадқиқотчи фан таркибидаги ҳал қилинмаган муаммоларни аниқлайди ва ушбу муаммоларни ечиш йўлида изланади. Ўқитувчи учун эса дарсликдаги тарбияловчи ва ривожлантирувчи жиҳатлар муҳим саналади. Бу талабанинг дунё ҳақида тушунчасини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, онгида дунёнинг яхлит тасвирини ривожлантириш учун қандай ғояларни амалга ошириш ва ўзлаштиришга доир зарур ёндашувларни белгилайди. Кўринадики, ўқитувчи учун ҳар бир дарсда мақсадга эришиш, кундалик ҳаётда талаб қилинадиган ва шахсий аҳамиятга эга бўлган жиҳатларни ривожлантириш зарур. Шу билан бирга, ҳар қандай фаннинг таркиби уни яратиш учун умумий дидактик талабларга (тамойилларга) асосланади ва ўрганилаётган фаннинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади. Педагогика университетларида ўқитиши касбий ўйналишни ҳисобга олган ҳолда маълум тамойиллар асосида танланади.

Яхлитлик тамойили шундан иборатки, тадқиқотнинг мазмуни ўрганилаётган фанга хос хусусиятлар, асосий ғоялар ва муаммолар билан белгиланадиган ягона “ядро” атрофида қурилади. Ушбу тамойилга мувофиқ, ўкув фанинг мазмуни талабалар дунёқарашининг яхлит обьекти сифатида ўзлаштирилиши керак. Ўқитувчи тайёрлаш жараёнида таркибий яхлитлик икки маънога эга. Бир томондан, бу талаба шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш воситаси бўлса, иккинчи томондан, унинг келажакдаги касбий фаолияти воситаси сифатида уларнинг муваффақиятли тарбияси ва ривожланиши учун шароит яратиши мумкин.

Тизимлилик тамойили таркибий яхлитликка унинг элементлари ўртасида турли хил муносабатларни ўрнатиш орқали эришиш мумкинлигини англатади. Тизимлилик тамойилига биноан қурилган таркибий қисмларни ўзлаштириш

бўлажак ўқитувчиларнинг тизимли тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради.

Илмий тамойил “ҳодисалар моҳияти ва объектларнинг ҳақиқий алоқалари”ни дарс мазмунида очиб беришга қаратилади. Илмий тамойилга риоя қилиш талабаларнинг назарий тафаккурини шакллантириш учун зарур шартдир. Ўқув фанлари мазмунининг илмий тамойилга мувофиқлиги унда дунёнинг замонавий илмий манзарасини акс эттиришини англатади.

Ушбу тамойил академик фанлар учун таркиб тузиш тизимини яратишида предметнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўрганилаётган фан усулларини ҳисобга олишни талаб қиласди.

Дарс мазмунини биология ўқитувчисининг амалий фаолияти билан боғлаш тамойили педагогика университети талабалари учун доимий касбий тайёргарликни таъминлашга қаратилган. Хусусан, биология фанининг мазмуни ва биология ўқитувчисининг амалий фаолияти ўртасидаги боғлиқлик қуидаги йўллар орқали намоён бўлади:

- 1) концептуал тизимнинг умумийлиги, назарий тушунчалар ва биологиянинг қонуниятлари таркибда очилганлиги, биологик тадқиқотлар ва методларининг бирлиги асосида;
- 2) таркибни шакллантириш усулларининг яхлитлиги орқали, яъни олий таълим муассасалари биология фани таркибини мактаб ўқитувчиси биологик мавзулар ва дарслар таркибини тузишда такрорлаши мумкин, аммо мактаб ўқув дастурининг ҳажми фарқ қиласди;
- 3) худди шу таркибдаги мактаб ўқувчиларининг олий таълим тизими фанларини ўзлаштириш бўйича фаолият турлари орқали;
- 4) биологияни ўқитиш жараёнида ўқитувчининг бир қатор шахсий хусусиятларини (педагогик фаолият мотивлари, шахсий, касбий ва экологик маданият) тарбиялаш имконияти орқали.

Фанга оид илмий манбаларда ахборот технологияларининг аҳамияти талабалар қизиқишлиари ва биология фанига нисбатан қарашларининг ўзгариши

билин изоҳланган. Бундай хуносага келишнинг асосий сабабларидан бири сифатида ўқув жараёнининг масофавий олиб борилиши кўрсатилган. Интернет ресурсларидан лабораториялар учун исталган вақтда ва исталган ҳудудда маълумотлар олиш мумкинлиги глобал тизимнинг қулайлигидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 31-61.
3. Норқузиева М.Ш “Умуртқалилар зоологияси” фанини ўқитиша замонавий технологиялардан фойдаланиш дарс самарадорлигини ошириш омили.- ТДПУ илмий ахборотлари.2021
4. Норқузиева М.Ш “Умуртқалилар Зоологияси” фанидан назарий, лаборатория машгулотларини интегратсиялашган холда ташкил Етиш ва ўтказиш Методикаси.- ТДПУ илмий ахборотлари.2022